

ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК САНОАТИ ТАРАҚҚИЁТИ МАСАЛАЛАРИНИ ЁРИТИШДА РУС ТАДҚИҚОТЧИЛАРИ АСАРЛАРИНИНГ ЎРНИ

У.С.Тўпчиев,
Жиззах ДПИ tarix fakulteti tarix va uni
o'qitish metodikasi kafedراسи o'qituvchisi
tupchiyev1975@mail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада кўрилаётган даврда яшаб ижод қилган таниқли рус мутахассислари тадқиқотларида, шунингдек улар томонидан даврий нашрларда чоп этирилган мақолаларнинг Туркистон ўлкасида узумчилик соҳасининг янги босқичга кўтарилиши, шунингдек ўлкада виночилик саноатининг вужудга келиши каби масалаларнинг ёритилишидаги ўрни ва аҳамияти кўрсатиб берилди.

Kalit so'zlar: A.I.Shaxnazarov, N.A.Maev, A.I.Dobrosmyslov, V.V.Zaorskaya, K.A.Aleksandr, V.Yuferev, A.Regel, Verbov, A.Pullo, M.I.Virskiy, K.A.Timaev, I.Slutskiy, I.Takolnakov, I.Takolnakov, S. Grigoryev, uzumchilik, mahalliy uzum navlari, Charas, oq va qora kishmish, Dombrobi, Doroi, Husayn, Sakhobi, yangi uzum navlari, Isabella, Caberno-Savignon, White shampan, Riesling, vinochilik, Vinochilik, Filatov, Proxovskiy, Tolochinov, NI Pervushin, NI Ivanov.

АННОТАЦИЯ

В этой статье освещаются роль и важность исследований известных российских экспертов того периода, а также освещаются такие вопросы, как подъем виноградарства в Туркестане, а также появление винодельческой отрасли в стране.

Ключевые слово: А.И.Шахназаров, Н.А.Маев, А.И.Добросмыслов, В.В.Заорская, К.А.Александр, В.Юфереv, А.Регель, Вербов, А.Пулло, М.И.Вирский, К.А.Тимаев, И.Слущкий, И.Стекольников, И.Танатар, С.Григорьев, виноградарства, местные сорта винограда, Чарас, Белый и черный Кишмиш, Домброби, Дорой, Хусейн, Сахоби, новые сорта винограда,

Изабелла, Каберно-Савиньон, Белый Шампань, Рислинг, вино, виноделие, Филатов, Проховский, Толочинов, Н.И.Первушин, Н.И.Иванов.

ANNOTATION

This article highlights the role and importance of the research of well-known Russian experts of the period, as well as the coverage of issues such as the rise of the viticulture industry in Turkestan, as well as the emergence of the wine industry in the country.

Keywords: A.I.Shaxnazarov, N.A.Maev, A.I.Dobrosmyslov, V.V.Zaorskaya, K.A.Aleksander, V.Yuferev, A.Regel, Verbov, A.Pullo, M.I.Virskiy, K.A.Timaev, I.Slutskiy, I.Stekolnikov, I.Tanatar, S.Grigorev, vinogradarstva, mestnye sorta vinograda, Charas, Belyy i chernyy Kishmish, Dombrobi, Doroi, Hussein, Saxobi, novye sorta vinograda, Isabella, Cabernet-Savinon, White Champagne, Risling, wine, vinodelie, Filatov, Prokhovskiy, Tolochinov, N.I.Pervushin, N.I.Ivanov.

Туркистон ўлкасида узумчилик соҳасининг янги босқичга кўтарилиши ва виночилик саноатининг вужудга келиши каби масалаларнинг кенг ёритилишида салмоқли ва илмий қиймати жиҳатидан юқори ўринда туришлиги билан кўрилаётган даврда яшаб ижод қилган таниқли рус тадқиқотчилари томонидан яратилган адабиётлар, шунингдек улар томонидан чоп этирилган даврий нашр материаллари муҳим ўрин тутди.

Хусусан, XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон ўлкасига Россиядан келган қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳанинг етук мутахассислари бўлган А.И.Шахназаров, Н.А.Маев, А.И.Добросмыслов, В.В.Заорская, К.А.Александр, В.Ю.Феревларнинг тадқиқотлари ҳамда А.Регель, Вербов, А.Пулло, М.И.Вирский, К.А.Тимаев, И.Слущкий, И.Стекольников, И.Танатар, С.Григорьевларнинг даврий нашрларда чоп этилган мақолалари бунга мисол бўла олади.

Мазкур муаллифлар томонидан яратилган адабиётлар ва даврий нашрларда чоп этилган мақолаларда ўлкада азалдан етиштирилиб келинган маҳаллий узум навлари, уларни парваришлашнинг анъанавий усуллари, четдан келтирилган янги узум навлари ва уларнинг ўлка табиий-иқлим шароитига мослаштирилиши, узумдан олинган ҳом ашёни қайта ишлаш орқали истемол ва бозорбоп маҳсулотларни тайёрлаш, шунингдек ўлкада виночилик саноатининг вужудга келиши, вино тайёрлаш ва уларнинг турлари, ички ва ташқи бозорларда узум ва вино маҳсулотлари нарх-навоси, вино тайёрловчи заводлар ва уларда фаолият юритган аҳоли қатлами турмуш тарзи ҳақидаги муҳим маълумотлар қайд этилган.

Муаллифлардан бири, таниқли рус агрономи А.И.Шахназаровнинг қайд этишича, тарихий-географик жиҳатдан узумлар асосан маданий ва айрим жойларда ёввойи ҳолда бутун Туркистон ўлкасининг деярли барча суғориладиган, шунингдек тоғли ва кам сувли ҳудудларида тарқалган. Хусусан, ушбу масала биргина Пскент водийси мисолида олиб қаралса, узумлар тоғли Бўстон қишлоғидан бошланиб, денгиз сатҳидан 2800-4000 фут баландликка қадар тарқалган. Узумларнинг Тошкент ҳудудида шимолий тарқалиш чегарасини Авлиёота шаҳрига қадар, жанубий чегараси эса Чимкент ва Тошкент шаҳарларининг атрофлари ҳамда Хўжанд уездига қадар эканлиги таъкидланади[12: 237-238].

Дарҳақиқат, мазкур муаллифлар адабиётлари ва мақолаларида келтирилган мавзуга оид маълумотлар таҳлиliga кўра, узумчилик ва виночилик соҳаси бўйича ўлкада Самарқанд биринчи ўринда бўлиб, биргина 1872 йилда ушбу вилоятда 2000 десятина майдонга тенг узумзорлар бўлган. 1888-1889 йилларда вилоятда узумзорлар майдони 25 536 таноб ёки 6 650 десятинага ошган. Ёки 1890-1897 йилларни олиб қарайлик. Яъни, вилоятда узум майдонлари кўлами 1890 йилад 5 774 десятина, 1891 йили 6 204 десятина, 1893 йили 6 490 десятина, 1894 йилда 6 445 десятина, 1895 йили 6 103 десятина, 1897 йилда эса 7 832 десятинага етиб, йил сайин узумзорлар майдони кенгайиб борганлиги маълум бўлади [12: 237-239].

Таниқли мутахассис, агроном А.И.Шахназаровнинг таъкидлашича, ўлкада узумчилик бўйича кейинги ўринда Сирдарё вилояти туриб, вилоят уездлари бўйича узумзорларнинг умумий майдони қуйидагича бўлган: Тошкентда 1 648 десятина, Чимкентда 20 десятина, Авлиёотада 5 десятина ва Амударё бўлимида 20 десятина, қолган асосий майдонларнинг 1 700 десятинали Тошкент уезди ва Тошкент шаҳрига тўғри келган. Вилоятда узумчилик соҳаси бўйича Тошкент уезди ва Тошкент шаҳри етакчи ўринда турган. 1897 йилги маълумотларга кўра Тошкентнинг янги шаҳар қисмида 74 десятина, эски шаҳар қисмида 957 десятина, шунингдек Тошкент уездида эса 617 десятина, жами 1 648 десятина майдонга тенг узум етиштириладиган боғлар бўлган. Тошкентнинг янги шаҳар қисмида мавжуд бўлган 74 десятина узум боғларнинг 45 десятинали давр рус тадбиркорлардан бўлган Н.И.Ивановга, 25,5 десятинали Первушинга ва қолган қисми эса маҳаллий аҳолига тегишли бўлган[12: 237-239].

В.Юферев ва А.И.Шахназаровларнинг таъкидлашларича, Фарғона вилояти уездалри бўйича узумзорлар майдонининг тақсимланиши 1897-1898 йилларда қуйидагича бўлган: Наманганда 2 843 десятина (1897) ва 2 874 десятина (1898), Марғилонда 2 352 десятина (1897) ва 1 155 десятина (1898), Қўқонда 1 787 десятина (1897-1898), Андижонда 314 десятина (1897) ва 500 десятина (1898), Ўшда 31 десятина (1897) ва 26 десятина (1898), вилоят бўйича эса жами узумзорлар майдони 7 327 десятина (1897) ва 6 342 десятинали (1898) ташкил этганлиги келтирилганки, ушбу маълумотлар вилоят уездалри бўйича узумзорлар майдонининг тақсимланиш ҳолати ҳақида тасаввурга эга бўлишимизда муҳим аҳамият касб этади[13: 47-50; 12: 239].

Шунингдек, мазкур муаллифларнинг тадқиқотлари ва мақолаларида ўлкада узумдан олинadиган ҳосил миқдори ҳақида ҳам муҳим маълумотлар мавжуд. Масалан, ўлка вилоятларида жами 19 282 десятина ер майдонидан бир йилда узумдан олинadиган ҳосил миқдори қуйидагича бўлган: Самарқанд вилоятида 5 197 000 пуд, Сирдарё вилоятида 500 000 пуд,

Фарғона вилоятида 2 558 000 пуд, ўлка бўйича жами ҳосил миқдори эса 6 225 000 пудни ташкил этган[12: 240].

Ўлкада азалдан етиштириб келинган маҳаллий узум навлари борасида ҳам мазкур адабиётларда муҳим маълумотлар қайд этилган. Масалан, кўрилаётган даврда ўлкада узумнинг маҳаллий навларининг ўттиздан ортиқ тури мавжуд бўлиб, булар Чиллаки, Чарос, Оқ Кишмиш, Қора Кишмиш, Домброби, Майизи, Катта-Қўрғон, Дорой, Оқ ва Пушти Хусайни, Ҳасайни, Саҳоби, Гилами, Офпари, Буаки, Маска, Набиши, Хожаахрори, Султони, Шакар ангур, Алвони, Сиркои, Шувурғон, Хотинбармоқ ва бошқа шу каби узум навлари етиштирилиб, улардан мўл ҳосил олинган[3: 48-50].

А.И.Шахназаровнинг таъкидлашича, Туркистон ўлкасида 1895 йилга қадар ўлка аҳолиси томонидан етиштириб келинган маҳаллий узум навлари ва уларнинг ўзга хос хусусиятлари борасида ҳеч қандай илмий тадқиқотлар олиб борилмаган ва бу масалада биринчилардан бўлиб ўзи иш бошлаганлигини ва бунда унга ўз соҳасининг етакчи мутахассисларидан бўлган Н.И.Королков, И.И.Гейер, С.И.Лидского ва жаноб Пуллолар катта ёрдам берганликларини таъкидлайди.

Мазкур адабиётларда Туркистон ўлкасига четдан келтирилган янги узум навлари ва уларни иқлимлаштириш, бу борада боғдорчилик тажриба плантацияларининг ташкил этилиши, ушбу соҳа мутахассисларининг ўлкага жалб этилиши ва уларнинг узумчилик ҳамда виночилик саноатини ривожлантиришда қўшган ҳиссалари каби маълумотлар ҳам қайд этилган.

Хусусан, ўлкага узумнинг серҳосил ва винобоп навлари асосан Украина (асосан Қрим), Молдова, Кавказorti ва бошқа жойлардан келтирилган. Туркистонга хориждан илк бор янги узум навлари 1868 йилда Тошкент уездига олиб келинган бўлса, кейинчалик четдан келтирилган янги узум навларини етиштириш, йирик узум плантацияларига асос солиш борасида ўлка вилоятларидан Самарқанд асосий марказга айланган[9: 59-60; 12: 237-239].

Туркистон ўлкасида 1888 йилдан янги узум навларини етиштириш ишлари кенгайиб, четдан келтирилган янги узум навлари юзлаб боғбонларга тарқатилган ва сотилган. Хусусан, И.Стекольниковнинг қайд этишича ХХ аср бошларида Самарқанд вилоятида янги узум навлари асосида ташкил этилган 50 десятина ер майдонида эга бўлган тажриба плантациясида Қора Птивердо, Франк-менс, Изабелла, Каберно-Савиньон, Оқ шампань, Рислинг, Сотернь, О-Порто, Модерн-Мальвази, Лакрима-христи, Оқ мускат каби чет элдан келтирилган янги узум навлар парваришланиб, боғбонларни қониқтирадиган меъёردа ҳосил олинган[3: 169-171; 9: 136].

А.И.Шахназаров, М.Невескийларнинг қайд этишларича, тошкентлик таниқли рус мутахассисларидан Н.И.Иванов ва И.И.Первушин, самарқандлик А.Л.Филатов ва Р.С.Проховскийлар четдан янги узум навларини ўлкага олиб келиш ва уларни маҳаллий шароитга мослаштиришда катта ҳисса қўшишган. Хусусан, Ати-Ведро, Франк-пино, Мерло, Саперани Мускати, Якрима, Кристи, Якрима-Долче, Изабелла каби 20 га яқин навлар, шунингдек узумнинг қора ва қизил навлари ҳисобланган Сотернь, Рислинг, Мадера, Гро-Рислинг кабиларни, қолаверса Оқ Мускат, сариқ тусли Александрия, Шосланинг каби ўнга яқин янги узум навларини парваришлаш ва уларни ўлка иқлим шароитига мослаштирилишида ушбу мутахассисларнинг хизматлари катта бўлган[6: 177-183; 10: 322].

Юқорида кўриб чиқилган адабиётлар ва даврий нашрларда чоп этилган мақолаларда узумнинг навларига қараб Туркистон ўлкаси вилоятлари бозорларида уларнинг нарх-наволарининг ҳам турлича эканлиги қайд этилган. Масалан, XIX асрнинг охириги ўн йиллигида Самарқанд уезди бозорларида янги узумнинг нархи ўртача бир пуди 20-40 копеек(Саҳоби ва Ҳусайнининг нархи 50 копеек, қолганлари 20 копеек), Хўжандда 40-50 копеек, Катта-Қўрғонда 30-40 копеек, Жиззах уездида 50 копеек, Фарғона вилоятининг Наманган ва Қўқон уездларида 40-50 копеек, Тошкент воҳасида 70 копеекдан-1 рубль 20 копеекгача, Тошкент шаҳрида эса 2-2 рубль 60 копеекгача бўлган[12: 286-287].

Бундан ташқари, таҳлил этилаётган адабиётларда Туркистон ўлкасида виночилик саноатининг вужудга келиши, вино заводлари ва уларнинг ишлаб чиқариш қувватлари ҳақида ҳам диққатга сазовор маълумотлар келтириб ўтилган. Хусусан, А.И.Шахназаров, Н.А.Маев каби муаллифлар асар ва мақолаларида қайд этилишича, Самарқандда виночилик билан Филатов, Проховский, Толочинов, Тошкентда эса Платон Шевченко, инженер технолог Н.И.Первушин, Адолф Моше, Н.И.Иванов, Я.Я.Иванов, И.Барсуков, И.П.Белоколоковлар шуғулланишган. Самарқандда Филатовнинг вино заводида йилига 10-15 минг челақ, Проховский заводида 6 000 челақ, Толочинов заводида 4 000 челақ; Тошкентда Платон Шевченко, инженер-технолог Н.И.Первушин, Адолф Моше, Н.И.Иванов, Я.Я.Иванов, И.Барсуков, И.П.Белоколоков заводларида ўртача 10 000 челақ, Фарғонада 10-11 минг челақ вино тайёрланган. Туркистон ўлкасида вино тайёрлаш бўйича Самарқанд биринчи ўринда, Тошкент, Катта Қўрғон, Қўқон, Марғилон, Андижон ва Наманган шаҳарлари кейинги ўринларда турган[5: 48-50].

Муаллифларнинг қайд этишича, вино ва вино маҳсулотларининг ўлка бозорларидаги нарх-навоси ҳам талаб ва сифатига қараб турлича бўлган. Масалан, Тошкентда қизил ва оқ виноларнинг бир челаги 2 рубль 15 копеекдан 5 рублгача, бошқа турдаги винонинг бир челаги 8-12 рубль, хуштаъм винонинг бир челаги 16-18 рубль бўлган. Фарғонада винонинг паст навларининг бир челаги 3-4 ва юқори навлари эса 10 рублгача бўлган. Марғилонда узумнинг Буваки навидан тайёрланган паст навли винонинг бир шишаси 20-35, Самарқандда қуввати паст винонинг бир шишаси 30, ўртача қувватдаги винонинг бир шишаси 50-60 ва юқори қувватли винонинг бир шишаси 80 копеекдан-1 рубль 20 копеекгача бўлган[12: 295].

Туркистон ўлкасида етиштирилган узум ва вино маҳсулотлари ички бозорлардан ташқари, четга ҳам экспорт қилинганлиги ҳақида ҳам кўрилаётган адабиётларда муҳим маълумотлар мавжуд. Хусусан, ўлкада етиштирилган узум ва вино маҳсулотлари Каспий орти вилояти орқали

Астраханга ва унда Россиянинг ички вилоятлари, шунингдек, Сибир хуудларидаги ярмаркаларга олиб чиқиб сотилганлиги қайд этилган. Муаллифларнинг таъкидлашларича, ўлкадан четга узум ва узум маҳсулотларини экспорт қилишда дастлаб транспорт сифатида туя, от, хачир каби уй ҳайвонларидан фойдаланилган бўлса, кейинчалик ўлкага темир йўлнинг кириб келиши билан ушбу маҳсулотларни четга ташишда транспортнинг ушбу туридан кенг фойдаланила бошланган.

Муаллифларнинг қайд этишича, XIX аср иккинчи ярмида ҳар йили темир йўл транспортлари орқали Самарқанддан Троицк ярмаркасига ёз ойларида 10 000 туя, жами 180 000 пуд кишмиш узуми ва бошқа товарлар олиб чиқилган. 1892-йилда Каспийорти темир йўли орқали Россия ва Европага 412 000 пуд кишмиш узуми жўнатилиб, унинг 285 566 пуди Самарқандда етиштирилган узумга тўғри келган. Ток тупидан узилган ҳолда экспорт учун чиқарилган хўраки узумнинг умумий миқдори 3 000 пуд, узумдан тайёрланган винонинг умумий миқдори эса 66 838 пудни ташкил этган. Ушбу кўрсаткичдаги Самарқанд узумидан тайёрланган вино миқдори 14 979 пудни ташкил этган. Россияга чиқарилган узум ва узум виноси 1888-йилда 70 597 пуд бўлган бўлса, кейинги беш йил давомида бу кўрсаткич беш маротабага ошиб, 1892-1893 йилларда 451 018 пудни ташкил этган[7: 9-14; 10: 34].

М.В.Лавров ва А.Губаревич-Радобылскийларнинг қайд этишларича, Бухоро амирлигига қарашли Қарши, Шаҳрисабз, Ургут бекликларида етиштирилган узум ҳосили Троицк ярмаркасига, ундан Сибир хуудлари орқали Челябинск, Ишим, Тобольск ярмаркаларига етказилган. Хўжанддан Сирдарё бўйлаб Казалинскга туяларда келтирилган хўраки узум ва қуритилган кишмиш(майиз) Жанубий Россия шаҳарларига етказиб берилган. Каспийорти темир йўлидан Узун станцияси орқали 1890 йилда 1 879 000 пуд, 1891 йилда 2 592 000 пуд, 1892 йилда 4 516 000 пуд узум ва узум маҳсулотлари Россиянинг европа қисмига жўнатилган[7: 9-14; 10: 309; 4: 102-104; 1: 69].

Юқорида келтирилган адабиётлар ва даврий нашрларда чоп этилган мақолаларда акс эттирилган мавзуга оид маълумотлар таҳлили натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- Мазкур даврда ўлкада маҳаллий аҳолининг узум етиштириш ва вино маҳсулотлари тайёрлаш борасидаги анъанавий тарихий тажрибаларини ўрганишда рус тадқиқотчилари томонидан яратилган даврий адабиёт ва нашрларнинг аҳамияти ёритиб берилди;
- XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонга кириб келган янги узум навлари ва уларнинг ўлка иқлим шароитига мослаштирилиши, винобоп маҳаллий ва янги узум навларининг виночилик саноати ривожигаги ўрни кўрсатиб берилди;
- Кўрилаётган даврда яшаб ижод қилган таниқли рус мутахассислари тадқиқотларида, шунингдек улар томонидан даврий нашрларда чоп эттирилган мақолаларининг Туркистон ўлкасида узумчилик ва виночилик масалаларининг ёритилишидаги ўрни ва аҳамияти кўрсатиб берилди.

Адабиётлар:

1. А.Губаревич-Радобылский. Экономический очерк Бухары и Туниса. Санкт-Петербург.1905.
2. Вирский М.И. Виноградарство в Самаркандском уезде. Библиограф. Заметка/ Туркестанский сборник. Том 523.
3. Заорская В.В, Александер К.А. Промышленные заведения Туркестанского края. Петроград, 1915.
4. Лавров М.В. Туркестан. География и история края / М.В. Лавров. – М.: В.В. Думнов, 1916.
5. Маев Н.А. Туркестанская выставка 1886 г.–Ташкент: Издание Туркестанского Отдела Императорского Российского Общества Садоводства, 1886.
6. Невесский М. Список деревьев и кустарников, произрастающих в Самаркандской области//. Туркестанский сборник. Т. 463.

7. Пулло А. К вопросу о виноградарстве//Туркестанский сборник. Том 467
8. А.Регель. Садоводство в Туркестанском крае/Туркестанский сборник. Т.349.
9. Стекольников И. Виноградарство и виноделие в Туркестан// Туркестанский сборник. Том 454.
10. Танатар И. О мероприятиях по борьбе с грибными болезнями винограда в Туркестанском крае//Туркестанский сборник. - Том 537.
11. Тимаев К. Сельскохозяйственная, промышленная выставка// Туркестанский сборник. - Том 476.
12. Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае.СПб., 1908.
13. Юферев В. Хозяйство Сартов Ферганской области. - Ташкент. 1911.